Ким Қадр кечасида (чин) иймон ва (риё қилмасдан) савоб умидида қойим бўлса унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» – дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Қадр кечасида (чин) иймон ва (риё қилмасдан) савоб умидида қойим бўлса унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» – дедилар».
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Рамазоннинг охирги ўн кунлигидаги Қадр тунида ўқиладиган намоз фазилати хақида хабар бермоқдалар. Ким бу тунда Аллоҳга иймон келтириб унинг савобини умид қилиб холис Аллоҳ учун риёсиз, сумъасиз намозу дуода, Қуръон тиловатида ва зикрда тиришса, ўтган барча гуноҳлари кечирилади.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4202